

Ш.Ш. Шоҳаъзамий

## ИННОВАЦИЯ ОМИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*В статье рассмотрены вопросы относительно значения и роли фактора инновации в развитии экономик, особенно малого бизнеса, зарубежных странах, трансферта и коммерциализации инноваций, развития человеческого капитала и эффективного финансирования инноваций. Представлены: сопоставительный анализ тенденций развития фактора инновации, повышающий темпы экономического роста в развитых, развивающихся странах и Узбекистане, а также его прогноз на средне- и долгосрочную перспективу; кластеры и модели инновационного развития; прогноз показателей инновационного развития Узбекистана до 2023 года и предложения по достижению этих показателей.*

*The issues are discussed regarding the importance and role in the development of factor innovations economies, especially small businesses, foreign countries, transfer and commercialization of innovation, human capital development and effective to fund the innovation. Presented: a comparative analysis of trends in the development innovation, boost economic growth in developed countries, developing countries and Uzbekistan, as well as its outlook for the medium and long term: clusters and innovative development model, the forecast performance of innovation and development until 2023, and proposals to achieve these indicators.*

**Калит сўзлар:** инновация, тижоратлаштириш, молиялаштириш, модернизация, ассигнация, кластерлаш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги ва истиқболдаги янги юксалиш даврларида дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз иқтисодиётида фақат инновацион ривожлантириш модели имкониятларидан кенгроқ ва фаол фойдаланиш кераклигини эътироф этмоқда. Бунда миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, айниқса кичик бизнес ривожланишида инновация омилининг аҳамияти, инсон капитали, инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилиши, уни самарали молиялаштириш орқали ошириш назарда тутилади.

Зеро, ҳар қандай мамлакат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, жумладан ҳудудий бизнес ишлаб чиқариши модернизациясида, инновацион фаолият натижаси, фан ва техника тараққиёти катализатори асоси бўлмиш инновациялар ва улар трансферининг аҳамияти жуда катта<sup>1</sup>. Умуман, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, иқтисодиётини янги ривожланиш босқичига ўтиши шароитида иқтисодиётнинг реал ишлаб чиқариш сектори ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда минтақа ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг мустақам кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи талабни рағбатлантириш масалаларини ҳал

<sup>1</sup> Бунда айтиш жоизки, инновациялар трансфери инновацияларнинг тижоратлаштирилишини ўз ичига олади.

этишда инновацион фаолият алоҳида ўрин тутди. Чунки ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширувчи инновация омили манбаларини аниқлаш ва уни ривожлантириш узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш суръатларини оширувчи инновация омилининг ривожланиши ва бунда кичик бизнес фаоллашуви тенденцияларини таҳлил қилиш учун, қоида сифатида, давлатлараро, жумладан минтақалараро қиёслаш ва мавжуд захираларни баҳолаш услублари[1] қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда барча ривожланаётган мамлакатлар қиёсий таҳлилида мазкур давлатлар иқтисодиёти модернизациясида кўпроқ фойдали бўлган илғор илмий-техник ишланмаларни селектив ва ҳамкорликда ривожлантириш стратегиялари тан олинганлигини ҳисобга олиш лозим. Ушбу стратегиялар қуйидагиларни кўзлайди:

**Биринчидан,** илмий-техник салоҳиятга эга бўлган ва давлатнинг инновацион техник-технологик сиёсатини кучайтириш асосида иқтисодиётнинг таянч соҳаларини, айниқса инновацион кичик бизнесни, ривожлантириш.

**Иккинчидан,** ривожланиш даражаси жаҳон стандартларидан орқада қолаётган технология соҳаларини, айниқса, инновацион кичик бизнесни ривожлантириш.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятининг тажрибасига кўра, уларнинг муваффақиятлари инновацияларни бошқаришнинг бир бутун тизими яратилган ва бунда, илм-фан харажатларининг (ЯИМга нисбатан) ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Бунда кўп сонли технологик ва инновацион фирмалар, айнан, венчур капитали туфайли ривожлантирилган<sup>2</sup>. Лекин, глобал инқироз йилларида инновацияларга қилинган харажатларнинг ўсиши секинлашган[2].

Жаҳон тенденцияларини умумлаштирган ҳолда кўриш мумкинки, мамлакатнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, инновацияларни давлат ҳисобидан молиялаштириш улуши шунчалик оз бўлади ва инновацион жараённинг мустақиллик даражаси юқори бўлади. АҚШ ва Японияда инновацион лойиҳаларни мустақиллик даражаси жуда юқори (давлат улуши 15 фоиз), Хитой ва Ҳиндистонда ўртача даражада (15-30 фоиз). Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД) мамлакатлари бўйича 50 фоиз инновацияларга харажатлар корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаштираётган ва техник қайта жиҳозланаётган мамлакатлар учун эса, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш даражаси жуда паст. Бунда, иқтисодиётга ажратилган кредитлар миқдори бўйича Хитойда ЯИМга нисбатан 100-140 %, Чили ва Кореяда 50%, Ҳиндистон ва Исроилда эса 50 % дан кам миқдорида маблағ ажратилган.

<sup>2</sup> Венчур капиталининг асосий хусусияти шундаки, у капиталга қўшилиб боровчи фоиз ёки доимий фойда ҳисобига эмас, балки корхонанинг ўзи ва инновацион ривожланиши натижасида акция баҳосининг ўсиши ва қўшимча акцияларни чиқариш ҳисобига ўсган даромадга эга бўлишидир.

Инновация соҳаси доирасида 1-жадвалда баъзи мамлакатлар бўйича умумлаштириб берилган илмий тадқиқот (инновация)ларни молиялаштириш манбалари ва Doing Business бизнес-рейтинги берилган.

### 1-жадвал

#### Илмий тадқиқотларни молиялаштириш манбалари (ҳажми, %) ва Doing Business 2011/2010 бўйича бизнес-рейтинг кўрсаткичлари

Мамлакатлар	Молиялаштириш манбалари, %				Бизнес-рейтинг*	
	давлат маблағлари	тадбиркорлик сектори маблағлари	хорижий манбалар маблағи	бошқа миллий манбалар маблағи	2011 й.	2010 й.
Озарбайжон	71	25	0	0,9	66	69
Арманистон	60	31	4	5	55	61
Беларусь	62	29	8	1	69	91
Қозоғистон	55	31	2	11,5	64	63
Қирғизистон	63	38	0	0	70	67
Молдова	77	15	6	2	81	99
Россия	69	27	7	0,5	118	120
Тожикистон	82	11	0	7	164	152
Украина	50	27	22	1,2	152	149
Ўзбекистон	53,7	25,3	14	7	145	150
МДХ	66	26	6	3,2	87,2	93,8
Европа Иттиф.	33,1	55	3	8,9	12	14
Швеция	4,4	78,6	3	14	18	17
Финляндия	6,5	70,5	5	18	14	16
АҚШ	27	68	6	0	4	5
Хитой	24	72	1,2	0	2	2
Хиндистон	66	30	0	4,4	19	16
Япония	16	78	0	5,8	4	6
Ж. Корея	26	73	0	1,4	7	8

**Манба:** Бизнес-рейтинги мамлакат ҳудудида бизнесни осон юритиш кўрсаткичлари асосида 183 мамлакат бўйича мунтазам баҳолаб белгилаш юритилади ([www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org), 2011 маълумотлари); Инновацияларни молиялаштириш манбалари [www.worldbank/wdi.org](http://www.worldbank/wdi.org) ва мазкур жадвалда келтирилган мамлакатлар расмий статистикасидан олинган.

**Изоҳ.** Doing Business 2011 рейтингига кўра, энг юқори бизнес рейтинг кўрсаткичига Сингапур (яъни 1), Хитой (Гонконг) – 2, Янги Зеландия – 3, Буюк Британия – 4, АҚШ – 5, Дания – 6 баллга эга бўлган.

1-жадвал таҳлили асосида айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда илм-фанга ассигнацияларнинг 55 фоизидан ортиғи бизнес сектори маблағлари ва 34 фоиздан ками эса давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда давлат маблағларидан энг кам ҳажмда молиялаштириш бўйича кетма-кет равишда Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия лидер ҳисобланади, улардан кейинги ўринларда Япония ва АҚШ туради. Барча мамлакатларда хорижий ва бошқа миллий манбалар улуши анча камлигича (ўртача суммаси 5-10 фоиз) қолмоқда. АҚШда 2010 йили инновацияларга харажатлар 3,2 фоиз, Европа

Иттифоқи (ЕИ)да 0,5 фоизга кўтарилган. Бунда фақатгина Финляндияда илмий тадқиқот ишларига давлат томонидан ажратиладиган бюджет харажатлари 4,4 фоизни ташкил этган. Япония 2010-2012 йилларда илмий тадқиқотларга қилинган харажат бўйича ғолибликни кўлда ушлаб қолган. Ҳиндистон ва Хитойда эса инновацион фаолиятга қилинган харажатлар сезиларли даражада ажратилганлиги изоҳланади<sup>3</sup>. Умуман, ривожланган ва прогрессив ривожланаётган давлатлар инновацион ривожланишга ўтишининг асосий омилларидан бири молиявий инфратузилманинг ривожланганлигидир<sup>4</sup>.

Анъанавий инвестиция лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, ишланмалар ва инновацион лойиҳалар татбиғи билан боғлиқ кредитларнинг хатар (риск)лиги жуда юқори. Шунга қарамай, бир қатор ривожланаётган мамлакатлар (масалан, Хитой, Корея, Ҳиндистон ва б.) тажрибасига кўра, инновацион лойиҳалар учун молиявий тизим тармоғини либераллаштириш ва махсус молиявий воситаларни ривожлантириш йўли орқали ушбу рисклар чекланиди. Бундай воситалар ва механизмлар сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- рискли лойиҳаларни венчурли молиялаштириш, синдикатлашган кредитлар, фонд бозорлари орқали молиялаштириш механизмлари;
- инвестицион портфелни диверсификация қилиш орқали инвестиция рискларини пасайтириш;
- рискларни суғурталаш.

Кейинги йилларда инновацион ривожланишда сезиларли муваффақиятга эришган мамлакатлар инновацияларни бевосита ва билвосита молиялаштириш усулларида фойдаланмоқда. Уларнинг асосийлари давлат бюджети маблағлари, нобюджет фондлар маблағлари, корхоналарнинг маблағлари, кредитлар, грантлар, суғурта маблағлари (*бевосита молиялаштириш манбалари*), солиқ имтиёзлари ва чегирмалари, кредит имтиёзлари, божхона имтиёзлари, амортизация имтиёзлари (*билвосита молиялаштириш манбалари*). Венчур ташкилотларини кўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланган фирмаларга қулайликлар яратиш, юқори технологик янгиликлар соҳасидаги илмий изланишлар ва тадқиқот-тажриба ишларини қисман (50 фоизгача) молиялаштириш ва ҳоказо тадбирлар миллий иқтисодиётда интеллектуал салоҳиятнинг ошиб бориши ва унинг фаоллашувига олиб келди. Бу эса ҳозирги АҚШ, Германия, Япония, Франция, Финляндия, Швеция, Буюк Британия давлатлари иқтисодиётини дунёда энг инновацион ва рақобатдош бўлишига сабаб бўлди, яқин келажакда улар қаторига Хитой қўшилиши кутилмоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, Германия инновацион тадқиқотларга энг кўп маблағ сарфловчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. ЯИМнинг деярли 2,6 фоизи илмий тадқиқотларни молиялаштириш учун ажратилади. Бу эса ЕИ бўйича ўртача 1,9 % юқори. Федерал ва ўлка ҳукуматлари корхоналар билан ҳамкорликда 2015 йилда инновациялар ва улар трансферига қилинадиган

<sup>3</sup> Хитойда охириги йилларда фақат янги ишланма (инновация)ларга қилинган харажатлар ЯИМнинг 1,4-1,5 фоизини ташкил этди (Emerging Economies Drive Global R&D Growth. Battelle, R&D Magazine, December 2011).

<sup>4</sup> Бу давлатларда инвестицион фаолиятни фаоллаштириш ҳамда инновациялар оқимини ишлаб чиқариш ва юқори технологиялар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилганини кўриш мумкин.

харажатларни яна 3 %га оширишни кўзда тутмоқдалар. Бунда Германия корхоналарининг инновацияларга қилган харажатлари деярли 130 млрд. еврони ташкил қилади. Жумладан, автомобиль саноати мазкур сумманинг 1/4 қисмини инвестициялайди. Германия иқтисодиётида янги маҳсулот айланмасининг 27 %ини ташкил қилади. Янги маҳсулотлар умумий автомобиль саноати айланмасида 52 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, Германиядаги корхоналар томонидан инновацияларни молиялаштириш бўйича ҳам етакчи ўринларни эгаллайди<sup>5</sup>.

Жаҳон амалиёти таҳлили инновацион таълим муассасаларининг ривожланиш шакллари кўп қирралилиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдиришни тақозо этади[3].

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси анъаналари фундаментал тадқиқотдан тажрибали ишлаб чиқаришгача бўлган илмий асосланган маҳсулотнинг татбиқ этилиш муддатини қисқартиради. Бунда таълим муассасалари янги билимлар ва илмий асосланган бизнес авлодининг маркази сифатида бош ролни ўйнайди. Шундай экан, минтақа ишлаб чиқаришига инновациялар трансферини илмий-техник, технологик, инновацион ва молиявий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш минтақадаги реал иқтисодий соҳа ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Умуман, инновациялар трансферини минтақа ишлаб чиқаришини модернизациялашдаги ролини оширишда олий ўқув юртлари билан бизнес соҳаси ўртасида узвий алоқаларни ривожлантириб бориш орқали амалга ошириш сезиларли самара бермоқда.

Инновациялар трансфери бўйича жаҳон тажрибасига кўра, илмий (инновация) соҳанинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги роли ва уни сифатли молиялаштириш ҳажми борган сари ортиб бормоқда, АҚШ, ЕИ ва Японияда инновациялар ҳисобига ЯИМ ўсиши 70-90 фоизни ташкил этди, технологияларнинг халқаро трансфери эса экспортнинг энг даромадли қисмига айланди[4].

Юқорида айтилганлар доирасида инновацияларни молиялаштириш тенденциялари ва 2020 йилгача бўлган истиқболга прогнозини 2-жадвалдагидек келтириш мумкин.

## 2-жадвал

### Мамлакатлар бўйича илм-фанга қилинган харажатларнинг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси ва 2020 йилга прогнози, %

Мамлакатлар	Йиллар							
	1990	1995	2000	2005	2008	2010	2012	2020
Озарбайжон	1	0,6	0,3	0,2	0,2	0,3	0,3	2,1
Арманистон	2,5	0,8	0,3	0,3	0,2	0,3	0,3	2,2
Беларусь	2,3	0,9	0,8	1,2	0,6	0,6	0,8	2,7
Қозоғистон	0,7	0,4	0,2	0,3	0,3	0,2	0,2	1,5

<sup>5</sup>Хозирда Германия инвесторлари ва корхоналарининг улуши дунёдаги патентланган кашфиётлар микдорининг 11 фоизини ташкил қилади. Европада патентлар бўйича Германия биринчи ўринда, дунёда эса Япония ва АҚШдан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

<b>Қирғизистон</b>	0,7	0,3	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	1,5
<b>Молдова</b>	1,6	0,7	0,6	0,4	0,5	0,5	0,5	1,6
<b>Россия</b>	3	0,97	1,1	1,25	1,3	1,5	1,7	2,25
<b>Тожикистон</b>	0,7	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	1,3
<b>Украина</b>	2,3	1,4	1,1	1,1	0,9	0,9	0,9	2,3
<b>Ўзбекистон</b>	1,2	0,7	0,27	0,23	0,18	0,19	0,2	3,0
<b>МДХ</b>	1,6	0,6	0,45	0,51	0,47	0,48	0,48	2,1
<b>Европа Иттиф.</b>	-	-	1,8	1,87	1,9	2,0	2,0	2,2
<b>Швеция</b>	3,7	3,7	3,7	3,86	3,75	3,75	3,8	4,5
<b>Финляндия</b>	3,11	3,25	3,38	3,48	3,73	4,4	4,6	4,7
<b>АҚШ</b>	2,6	2,51	2,73	2,72	2,76	2,77	2,8	3,0
<b>Хитой</b>	0,6	0,61	1,01	1,51	1,44	1,55	1,88	2,5
<b>Ҳиндистон</b>	0,5	0,9	0,95	1,45	1,5	1,55	1,8	2,4
<b>Япония</b>	2,5	2,7	2,9	3,2	3,1	3,1	3,1	3,5
<b>Ж. Корея</b>	1,8	2,1	2,5	2,8	2,9	3	3,1	3,4

**Манба:** [www.worldbank/wdi.org](http://www.worldbank/wdi.org), мамлакатлар расмий статистикаси ва А.А.Дынкиннинг (Мировая экономика: прогноз до 2020 года/Под ред. А.А.Дынкина. - М.: Магистра, 2008) прогнозлари муаллиф томонидан ҳисобга олиниб, тизимли экстраполяциялаштириш орқали тузилган.

2-жадвал таҳлили асосида айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда илм-фанга ассигнациялар глобал инқироз ва ундан кейинги даврларда ҳам камаймай ортиб борган. Зеро, 2020 йилгача бу мамлакатлар илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши ўртача 2,9 фоизга етади.

МДХ мамлакатларида охириги беш йил давомида илм-фанни молиялаштириш ижобий динамикани сақласа-да, лекин унинг ҳажми инновацион иқтисодиёт шароити учун нисбатан жуда кам. Зеро, 2020 йилгача МДХ мамлакатлари илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши ўртача 2,1 фоизга етади.

Прогрессив ривожланаётган мамлакатлар (Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Янги Зеландия, Малайзия, Жанубий Африка ва б.)да илм-фанни молиялаштириш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва бунда улар ривожланган давлатларга яқинлашмоқда. Зеро, 2020 йилгача прогрессив ривожланаётган мамлакатлар илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши тахминан ўртача 3,1 фоизга етади.

1 ва 2-жадвал тенденциялари асосида инновацияларни молиялаштиришда мамлакатлар ва минтақаларнинг фоизда прогнозли улушини 3-жадвалдагидек келтириш мумкин.

### 3-жадвал

#### Инновацияларни молиялаштиришда мамлакатлар ва минтақаларнинг прогнози улуши, %да

Мамлакатлар/минтақалар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2012 й.	2020 й.
Европа	24,6	23,8	23,4	22,5	20,0
Шимолий ва Жанубий Америка	37,8	37,5	37,1	36,6	35,0
АҚШ	32,7	32,0	31,3	30,4	28,0
Осиё	37,6	38,7	39,5	42,3	45,0
Хитой	11,8	12,8	13,6	15,7	20,0
Япония	13,0	12,6	12,4	12,4	12,0

Манба: [www.worldbank/wdi.org](http://www.worldbank/wdi.org), 2012-2020 йиллар учун муаллифнинг таҳлилий прогнози.

3-жадвалдаги тенденцияларга кўра, ҳозирда дунёнинг илмий-техникавий ресурслари асосан ОЕСД мамлакатларида, Хитой, Россия ва Ҳиндистонда жамланган бўлиб, 2004 йилда дунёда илм-фанга қилинган харажатларининг 33 фоизига яқини АҚШ улушига тўғри келган, Европага – 25 фоизга яқини, Японияга – 13 фоизи. Бунда шаклланган илмий тадқиқот марказлари учлиги (АҚШ, ЕИ, Япония) борган сари (2020 йилгача) прогрессив ривожланаётган Осиё мамлакатлари, айниқса Хитой ва Ҳиндистон томон уларнинг юқори даражада инновацион ривожланиш суръатлари сабабли кенгайди.

Прогноз бўйича (3-жадвал) Европа ва Америка минтақалари улуши 2020 йилгача муддатда Осиё мамлакатлари фойдасига камаяди. Дунё мамлакатларида 2020 йилгача илмий тадқиқотлар ва илмий-техник ишларни молиялаштиришда давлат ва хусусий секторлар улуши нисбати баъзи тебранишлар билан мос равишда 30:70 нисбатга интилади. Бунда амалий тадқиқотлар ва тажрибавий-конструкторлик ишланмаларига фундаментал тадқиқотларга нисбатан 10 баробардан кўпроқ миқдорда молиялаштирилади ҳамда молиявий ресурслар устувор илмий-техник йўналишларга ажратилади.

Дунё мамлакатларининг илмий-техникавий ривожланиш даражаси, технологиялар халқаро бозори тузилмаси ва динамикасининг таҳлили ҳамда 1-3-жадваллар асосида давлатларни 4-жадвалдагидек кластер (гуруҳ)ларга ажратиш имконини берди:

### 4-жадвал

#### Мамлакатларни инновацион ривожланиши бўйича кластерлаш (2006-2012 йиллар оралиғида)

Кластер	Мамлакатлар
1-кластер	Индустриал ривожланган давлатлар: АҚШ, Япония, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Норвегия, Канада, Нидерландия, Белгия, Исландия, Ирландия, Австрия, Франция, Германия, Италия, Швейцария, Дания
2-кластер	Испания, Исроил, Австралия, Янги Зеландия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Португалия, Греция, Словения, Сингапур, Тайван

3-кластер	Чехия, Словакия, Эстония, Латвия, Литва, Польша, Венгрия, Чили, Мексика, Бразилия, ЖАР
4-кластер	Таиланд, Руминия, Россия, Украина, Ўзбекистон, Аргентина, Хорватия, Беларусь, Македония, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон
5-кластер	Болгария, Грузия, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва бошқалар

**Манба:** Муаллиф томонидан [www.worldbank/wdi.org](http://www.worldbank/wdi.org) маълумотлари асосида тузилган.

Кластерлаш (4-жадвал) ва 1-3-жадваллар таҳлили асосида дунёдаги инновацион ривожланиш моделларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: фаол инновацион ривожланишда етакчилик қилиш модели, етишиш (етакчи ортидан кувиб етишга ҳаракат қилиш) модели, аралаш модел (соҳаларнинг бир қисми бўйича етакчи ва бошқаларида етишувчи бўлиш). Шу билан бирга, 5-жадвалда кўрсатилганидек ҳам кластерлаш мумкин.

### 5-жадвал

#### Мамлакатлар инновацион ривожланиш моделларини уларнинг инновационлик даражаси бўйича кластерлаш

Инновационлик даражаси (ИД)	Паст	Ўртача	Юқори
Паст	I	II	III
Ўртача	IV	V	VI
Юқори	VII	VIII	IX

**Манба:** Муаллиф томонидан тузилган.

5-жадвал таҳлилидан (1-4-жадвалларни ҳисобга олган ҳолда) инновацион ривожланишнинг тўққизта вариантли моделини кўришимиз мумкин. Бунда уларнинг орасида I ва IX вариантлар экстремал хусусиятга эга ҳисобланади, қолганлари эса оралиқ вариантлар (I-V ИД паст яқин оралиқдаги вариантлар, V-IX ИД юқори яқин оралиқдаги вариантлар). Яъни I вариантга ИД жуда паст ва IX вариантга ИД ўта юқори мамлакатлар киради. Юқори даражада инновацион ривожланган мамлакатлар IX вариантга, қолган индустриал ривожланган мамлакатлар VIII вариантга киради. Иккинчи эшелонга кирувчи ривожланган ва прогрессив ривожланувчи мамлакатларни VI-VII вариантлар оралиғига киритиш мумкин. Ўртача ривожланаётган мамлакатларга IV ва V вариантлар хос. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларни мос равишда II ва III вариантларга киритиш мумкин.

Умуман, 1-5-жадваллар жаҳон илмий-инновацион ривожланиш текислигида Ўзбекистоннинг ўрнини аниқлаш имконини беради. Бу эса Ўзбекистоннинг камида юқорироқ 3-кластерга (4-жадвал бўйича) ёки V-VII (5-жадвал бўйича) оралиқ вариантларга ўтиши учун салоҳияти етарли бўлса-да, лекин кўйидагиларга шароитлар яратиш зарурлигини тақозо этади: фундаментал ва амалий тадқиқотларни давлат томонидан янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш, инновациялар трансфери ва қулай инновацион-инвестицион



муҳитни таъминловчи миллий инновацион тизимни шакллантирган ҳолда ривожлантириш, миллий иқтисодиёт ривожини инновацияларга асосланган фазасига ўтказиш ва бунда, фикримизча, ҳудудлар инновацион ривожланиши стратегиясига катта аҳамият бериш зарур.

Бунда юқорида таҳлилий келтирилган жаҳон тажрибаси, инновацион ривожланишнинг халқаро тенденциялар, уларнинг 2020 йилгача прогноз кўрсаткичлари асосида Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши учун б-жадвалда берилган прогноз тенденциялари ўринли.

**6-жадвал**

**Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш прогнози**

Индикаторлар	2009 й. (хисобот)	Прогнозлар			
		2011- 2014 й.	2015- 2017 й.	2018- 2020 й.	2021- 2023 й.
ЯИМга нисбатан илмий-техник ишларга харажатлар улуши, %	0,185	1,0	1,8	2,9	3,5
ЯИМга нисбатан юқори технологик тармоқлар улуши, %	11,6	14,3	20,6	30,5	34,7
ЯИМга нисбатан инновацион маҳсулотлар улуши, %	2,79	14,7	17,9	22,2	25,2
Инновацион фаолиятга харажатлар (маҳсулот ҳажмига нисбатан, %)	0,38	2,5	3,3	4,8	5,6
Умумий экспортда инновацион маҳсулотлар экспорти улуши, %	5,76	14,2	20,1	27,7	29,4
Инновацион маҳсулот умумий ҳажмида инновацион экспорт улуши, %	14,38	20,1	27,2	34,3	39,3
Табиий фанлар ва инженерлик таълими бўйича талабаларни олий ўқув юртларига қабул қилиш улуши, %	28,5	41,0	42,7	45,0	49,5
Ўзбекистонлик резидентларнинг хориж давлатлари патент идораларида ҳар йили рўйхатдан ўтказилдиган патентлари сони	8,6	800	1200	1400	1700

**Манба: Муаллиф прогнози.**

6-жадвалда берилган республика инновацион ривожланишининг мақсадли прогноз параметрлари ўсишнинг омилли шартлари ва Миллий инновацион тизим салоҳияти таҳлили асосида аниқланган. Умуман, қиёсий таҳлил

натижалари ва прогноз Ўзбекистон Республикасини 2012-2023 (ёки 2013-2023) йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш концепцияси (стратегияси) ишлаб чиқилишида фойдали бўлиши мумкин. Бунда Ўзбекистон етарли илмий асосга ва салоҳиятга ҳамда қулай макроиқтисодий шароит ва зарурий ресурсларга эга эканлиги инновацияларни ривожлантиришнинг махсус рағбатлантирувчи иқтисодий механизмини[5] тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Чепель С.В. и др. Экономический рост и инновации: теория, практика и моделирование. //Исследовательский проект ИПМИ при поддержке ПРООН. Ташкент, 2010; Шоҳаъзамий Ш. Тизимли молия инжиниринги. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. -796 б.
2. Policy Response to the Economic Crises: Investing in Innovation for Long-term Growth, OECD 2009.
3. Пузанков Д.В., Вахобов А.В., Кутузов В.М., Шоҳаъзамий Ш.Ш. и др. Модели управления научно-инновационной деятельностью вуза. /Монография. -Т.: Iqtisod-moliya, 2006. – 242 с.
4. Global Wachstumszentren. Dynamische Branchen begünstigen globale Wachstumszentren/Deutsche Bank Reserch. Aktuelle Themen №332 (26.08.2005). Frankfurt a. M., 2005.
5. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Стимулирующий экономический механизм развития инноваций, их трансфера и коммерциализации. //Интеллект-инфо, №2, 2012; Возможный механизм финансирования инноваций, их трансфера и коммерциализации. //Молия, №3, 2012.-с.11-17.